

Тарих фанлари доктори, профессор Роберт Ланда Ситсилия оролига килган саёхати чоғида бу ердаги Буккери кишлоғига кўнди ва, табиийки, олимларга хос кизикувчанлиги туфайли кишлоқнинг тарихи билан кизикди. Маълум бўлишича, «Буккери» дегани «бухорий» сўзининг бузиб айтилган шакли бўлиб, тўккизинчи-ўнинчи асрларда Бухородан келган бир жамоа оролни маскан тутган экан. Бухорийлар олис Италиядаги бу оролга қандай бориб қолишган? Тарихдан маълумки, милодий саккизинчи асрда мусулмонлар Ситсилияни фатх этишди ва 1091 йилгача бу ерда хукмронлик қилишди. Фотиҳлар орасида араблар, барбарлар, занжи африколиклар ва бошқа Ислом мамлакатларининг вакиллари бўлган. Италия шарқшуноси Микеле Амарнинг хисобига кўра, ҳозир оролда бир вақтлар мусулмонлар барпо этган ёки эгаллаган шаҳар ва мавзеларнинг арабча 328 номи ҳамон сақланиб қолган.

Мусулмонларнинг кемалари Ситсилиядаги истехкомлари ёрдамида Италия, Франса, Испания соҳилларига Ислом даъвати билан етиб борди. Айни пайтда оролда мусулмонлар хукмронлиги ўрнатилганидан кейин кишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнади, сунъий суқориш кенг қўлланила бошлади. Ўша пайтда бутун Оврупага нотаниш бўлган пилла, пахта, шакарқамиш, шоли, пўртахол, лимун, хурмо етиштириш йўлга қўйилди. Бу ерда навшатир олишди, йирик темир қони очилди. Мусулмон Ситсилияси қўшни ўлкаларни озик-овқат, газлама, қурилиш ёғоч-тахтаси билан таъминлай бошлади. Оролнинг араб тожирлари Неапол, Салерно, Амалфо ва Италия жанубидаги бошқа савдо шаҳарларида муқим жойлашиб олишди. Шоир ва сайёҳлар Ситсилия боғлари, дарёлари, ғаввораларини, бу ерда ўтказиладиган мусулмон байрамларининг жозибасини басма-басига қўйлашарди.

1061—1091 йилларда оролнинг тинчи бузилди. Италия жанубида ўрнаша бошлаган норманларга қарши қаттиқ қураш олиб боришга тўғри келди. Норманлар охири оролни босиб олишди. Бироқ Ситсилиядаги араб-Ислом маданиятининг қучи ва унинг босқинчиларга таъсири шунчалик қатта эдики, ҳокимият алмашуви ҳам ҳеч нарсани ўзгартира олмади. Шаҳарлик мусулмонларнинг анчагина қисми оролни тарқ этиб, Миср ва Мағриб ўлкаларига қўчиб кетган бўлса-да, норманлар давлатида араб тили ва маданияти гуллаб-яшнаётган эди. Мусулмонлар ҳамон муқим вазифаларни эгаллаб туришарди. Араб ҳунармандлари ва тожирлари ўз имтиёзларини, шу жумладан, Ислом динига эътиқод қилиш эркинлигини сақлаб қолишди. Улар яшаётган маҳаллаларда масжидлар ҳамон қўққа бўй чўзиб турарди. Норманлар ўз армияларида мусулмон жангчилар ва араб муҳандисларидан фойдаланишарди.

Норманлар хукмронлиги даврида (1091-1194) Ситсилияда мусулмон қийимлари, араб тилидаги ёзишмалар, мусулмон қавми саналари ва Қуръон оятлари зарб қилинган тангалар кенг тарқалган эди. Саройда араб мударрислари ва сўз усталари хизмат қилишарди.

Ўн иккинчи асрда қирол Рожер Иккинчи саройида улуг араб олими Абу Абдуллоҳ ал-Идрисий истикомат тутган эди. Мағрибда тугилган, ҳулафои рошиддиннинг тўртинчиси ҳазрати Алидан тарқалган идрисийлар вакили бўлмиш бу олимни кейинчалик Ислом дунёсида “Аш-шариф ас-сақолий” (шарафли ситсилиялик) деб атайдиган бўлишди. Унинг қаламига мансуб “Хайратга тушган сайёҳнинг турли ўлкалардаги машғулоти” номи қитоб ўша пайтдаги жуқрофий асарларнинг энг мўътабар ва ишончлиси бўлиб, узок асрлар мобайнида мусулмон ва насроний олимлар орасида илмий қимматини йўқотмай

турди.

Ситсилиядаги араб-Ислом маданияти ўн иккинчи-ўн учинчи асрларда, айникса, бир пайтнинг ўзида Олмония императори ва Куддуси шариф кироли бўлган Фридрих Иккинчи даврида гуллаб-яшнади. Унинг саройида араб шеърияти, мусикаси, урф-одатлари ҳукмрон эди. Кирол бир канча мусулмон олимлари ва файласуфларига хомийлик қилди, ўзи чин мухлиси бўлган Ибн Сино ва Ибн Рушд асарларини арабчадан лотин тилига ўгиришга фармон берди.

Ўн бешинчи асрга келиб Ситсилияда араб тили йўқолиб кетса-да, араб-Ислом ҳазорасининг оролдаги таъсири узок вақт муҳрланиб қолди. Унинг излари аҳоли масканлари номларида, тил лахжаларида, айрим урф-одатларда, оролнинг ҳозирги фуқаролари тарихий хотирасида сақланиб қолган. Оролдаги Бухорий кишлоги ана шу олис тарихнинг бир шўласидир.

Ахмад ТУРСУН